

20-fevral
2025-yil 7 (1 109)



XXSR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Буюк шоиримиз
Эркин Воҳидов
айтганидек, ёшлик –
бу қалбнинг олтин
сози. Бунга қўшимча
қилиб, ёшлар – халқимиз-
нинг, Ватанимизнинг
олтин фонди,
десак тўғри бўлади.

21asr.uz

@XXlasr_yangiliklari

asrgazetasi

XXI_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXlasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН – КУВАЙТ:

“XXI ASR” ШАРҲИ

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР МУҲОКАМАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ МИШЪАЛ АС-САБОҲНИНГ
ТАКЛИФИГА БИНОАН 17-18 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.



Олий даражадаги тадбирларда “протокол талаби” тушунчаси кенг қўлланилади. Зеро, ташрифларнинг тартиб-таомиллари ана шу ҳужжатда қатъий белгилаб қўйилади. Музокара ва муҳокамалар манзилига етиб келиш, турли мулоқотлар, ҳатто маданий дастурлар вақти ҳам дақиқаларигача аниқ белгиланади. Лекин баъзида мамлакатлар етакчиларининг ўзаро дўстлиги, яқин алоқалари туфайли мўлжалдаги муддатлар би-

роз ўзгариши, бир сўз билан айтганда, “протокол”дан чиқиш ҳолатлари кузатилади.

Шу маънода, Ал-Кувайт халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Амир Шайх Мишъал ас-Сабоҳ, Валиаҳд Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ ва бошқа расмий шахслар кутиб олгани дарров нуфузли экспертлар эътиборини тортгани бежиз эмас.

3

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИ ЁШЛАР БЕЛГИЛАЙДИ



Ахтам ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси,
парламентдаги партия
фракцияси раҳбари

Финляндияда ёшлар учун махсус касбий таълим ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Сингапурда ҳукумат ёшларга инновация ва технологиялар соҳасида маълумот ва кўникмалар олиш учун шахсий тренинг ва стипендиялар тақдим этади.

Германия ўз ёшларига ҳам ўқиб, ҳам ишлари учун дуал таълим тизимини жорий этган. Жанубий Корея ўз ёшларининг бизнес ғояларини “K-Startup Grand Challenge” каби дастурлар орқали қўллаб-қувватлайди. Демокчи бўлганим, дунёнинг турли давлатларида ёшларни қўллаб-қувватлашга доир қатор ишлар олиб борилмоқда. Лекин таъкидлаш керакки, бу борада Ўзбекистонда эртанги кун эгалари тақдирига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Бугун халқимиз, кенг жамоатчилик яқинда Президентимизнинг Кўксарой қароргоҳида мамлакатимиз ёшлари билан кечган самимий мулоқотини ўзгача ҳаяжон билан кузатди. Гувоҳи бўлганимиздек, учрашувда давлатимиз раҳбари навқирон авлод вакиллари билан чин юракдан суҳбатлашди. Ана очиқлик, эр-

кин мулоқот уларни янада руҳланиб, дадил фикр-мулоҳазалар билдирмоғи учун замин яратди. Кўрдикки, йигит-қизлар мамлакатимизда ўзларига яратилган улкан имкониятлар, халқаро майдонда қатор соҳалар бўйича эришяётган қувончли ютуқларини Президентга қувониб сўзлаш баробарида ўзларини қийнаётган айрим муаммолар хусусида ҳам тақлиф-мулоҳазаларини тортинмай баён этишди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг дебечасида шахду шижоати баланд, серғайрат ёшлар билан кўришиб турганлигидан мамнунлигини изҳор этиб, бугун Ўзбекистон чин маънода ёшлар мамлакатига айлангани, аҳолининг 60 фоизини айнан ёш авлод ташкил этиши ҳам бу фикрни тасдиқлашга эътибор қаратди.

Шу боис ҳам “...ёшларимизга ишонганимиз учун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўймоқдамиз, маррани баланд олмақдамиз. Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради?”

Мен қайта-қайта тақорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу ғояларни сизлар – бугунги Янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар”, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари ўз маърузасида.

2

Ҳисобот сайловлари бошланди

2.



О'zLiDeP онкологик касалликларга қарши

3.



Султон суягини хорламас

5.



“Тилда, фикрда, ишда бирлик” бўлсин!

6.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИ ЁШЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Дарҳақиқат, ёшларимиз орасида турли соҳалардаги ютуқлари билан тенгдошларига ўрناк бўлаётганлари талайгина. Хусусан, бугун дунёнинг “топ” олий ўқув юртларида 1,5 мингдан ортиқ фарзандларимиз тахсил олмоқда. Шу билан бирга, яқинда БААда ўтган катта форумда Тошкентдаги Президент мактаби халқаро даражада энг нуфузли номинацияга муносиб кўрилгани тарихимизда қузатилмаган воқелик бўлди.

Қарийб беш йилча аввал Сенат ва Қонунчилик палатасида Ёшлар парламенти жорий этилиб, у ерда ёшлар сиёсий етакчилик, демократия ва парламентаризм мактаби қандай бўлишига амалда гувоҳ бўлдилар. Сўнгги сайловда мана шу ёшларимиздан икки нафари Қонунчилик палатасига, 250 нафари маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланди. Шундан, Қонунчилик палатасига сайланган икки нафар ёш депутатнинг биттаси, 250 нафар вилоят, туман-шаҳар кенгашларига сайланган депутатларнинг 94 нафари O'zLiDeP вакиллари экани кишини қувонтиради.

Эътиборга молик томони, бугун тизимда ёш депутатларнинг изланувчанлиги ва замонга мос фикрлаши сезилимоқда. Хусусан, депутатлик фаолиятини ташкил этишда мазкур халқ вакиллари ижтимоий тармоқ воситаларидан самарали фойдаланиб, муаммога тез ва осон ечим топмоқда. Қолаверса, бу сайловчилар учун ҳам қулай воситага айланиб бормоқда. Айниқса, “Ёшлар дафтари” орқали ўтган йили 180 минг нафар ёшларга 345 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилган, ортда қолган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони қарийб 3 баробарга кўпайиб, бугун жамиятимизда ёш бизнесменларнинг салмоғи салкам 40 фоизини ташкил этаётгани, ишсиз ёшлар сони икки қарра камайиб, ишсизликдан холи маҳаллалар сони 1 889 тага етишишда ҳам мана шу депутат ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани натижаси дейиш мумкин.

Юртбошимиз билан мулоқотда ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёшлар кириб келаётгани, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 1 миллион нафарга етиши, ўз навбатида бу давлат ва жамият зиммасига катта масъулият юклашига эътибор қаратилиб, амалдаги тизимни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди. Қайд этилдики, авваллари олий таълимда 1 та ўрин учун камиди 10 нафар йигит-қиз кураш олиб борар

эди. Қисқа даврда олий даргоҳлар сони 3 баробар оширилди. Тизимда қамров 42 фоизга етказилиб, талаба қизлар сони 11 қарра кўпайди.

Ўтган 25 йилда давлат ҳисобидан 800 нафар ёшлар хорижга ўқишга юборилган бўлса, бу кўрсаткич биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда 3 баробарга кўпайди. Юртимизда ёш олимлар сони 4 357 нафарга етиб, “Ёш китобхон” танловидаги иштирокчилар сони 3 миллион нафарга, “Мутулаа” лойиҳаси орқали 1 миллиондан ортиқ ёшлар китобхонлар қаторига қўшилди.

Шу кунги Президент ёшлар тадбиркорлигида янги даврни бошлаб берадиган 3 та ҳужжатга имзо чекканини эълон қилиб, жумладан, Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилишини ҳамда ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилиб, уларнинг стартап лойиҳаларига 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилишини маълум қилди.

Шунингдек, университет ва институтларни тугатиб иш топишга қийналаётган 90 минг ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Миллий банкка 100 миллион доллар ресурс берилиши, Алоқабанк ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи ёшлар банкига айлантирилиб, бунга 200 миллион доллар ажратилиши, қолаверса, ўзини ўзи банд қилган ёшлар лойиҳалари учун 100 миллион сўмгача 7 йил муддатга имтиёзли микроқарз ажратилиши қайд этилди. Шу билан бирга, 20 нафар ёшни иш билан таъминлаган ЯТТларга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилиб, кредитларнинг 30 фоизи хотин-қизлар тадбиркорлиги учун йўналтирилиши қайд этилди. Бундан ташқари ушбу учрашувда амалга оширилган салмоқли ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидлаш ўринлики, ғоят кўтаринки кайфиятда ўтган йўналишдан сўнг партиямиз фаоллари ва депутатлар билан мазкур тадбир тафсилотларини атрофлича муҳокама қилдик. Сиёсий куч доирасида ёшлар сиёсатини янада бойитиш ва кучайтириш мақсадида йўл харитасини янада бойитдик.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимиз Президенти томонидан ушбу мулоқотда белгилаб берилган устувор вазифалар O'zLiDePнинг сайловолди дастурида қайд этилган мақсад ва вазифаларга ҳам уйғун, ҳамоҳанг эканлигини алоҳида қайд этишини истардим. Хусусан, ёшлар учун ман-

фаатли иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашиш йўналишларида тизимли иш олиб бориш, ёшлар бандлиги ва ишбилармонлигини фаол қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун микромолиялаш хизматларини кенгайтириш каби долзарб вазифалар ана шу дастурдан ўрин олган.

Бу борада партиямиз Ёшлар қаноти томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар масалаларига оид қонун ҳужжатлари мазмунини уларга содда ва қулай услубда тарғиб қилиш мақсадида 31 маротаба “Парламентда ёшлар ўрни” лойиҳаси, 85 маротаба “Ёш сиёсатчилар лигаси” учрашувлари ташкил этилди. Қолаверса, юқори натижаларга эришган тажрибали тадбиркор ва фермерларни ёшларга ўрнак сифатида кўрсатиш ва устоз-шогирд аънанасини тизимли йўлга қўйиш мақсадида 174 маротаба “Ёш тадбиркорлар лигаси”, 26 марта “O'zLiDePда меҳмонда” ва 164 маротаба “Парламентда менинг ўрним” лойиҳалари ўтказилди. Шу билан бирга, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида 56 марта “Сиёсий мунозара” ёшлар дебат клуби беллашувлари ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида партия аъзолари бўлган тадбиркорлар билан ҳамкорликда 23 маротаба бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил қилинди.

Қайд этиш жоизки, муҳокама-лар давомида Президентимиз ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича белгилаб берган вазифалар, жумладан, Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилганлигини парламентдаги фракциямиз аъзолари алоҳида қўллаб-қувватладилар.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, энди барча тизимдаги раҳбарлар Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи ёшлар овозини эшитиши, керак бўлса фаолиятини уларнинг эзгу ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб ташкил қилиши лозим. Чунки ҳар бир раҳбар бугун замонавий дунёда махсулот етиштиришдан кўра, кадр етиштирган афзалроқ эканини теран англаши керак. Зеро, яхши мутахассис, фақат яхши махсулот етиштирмайди балки, буюк ва қудратли келажак қуради. Айни шу муштарак мақсаддан келиб чиққан ҳолда Янги Ўзбекистон эгаларини тарбиялашмиз, кўтаришимиз ва уларнинг йўлларини очишимиз зарур.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Ҳисобот сайловлари БОШЛАНДИ

Ҳар қандай иморат мустаҳкам асосга таянгани, ҳар қандай иншоот қучли негиз туфайли узок тургани сингари сиёсий партиялар ҳам бошланғич ташкилотларга суянади. Ундан қувват олади, таклифу мулоҳазалар олади. Истиқболли ғоялар ҳам аксарият ҳолда айни тузилмада яратилади ва ривожлантирилади. Шунинг учун бўлса керак, БПТларнинг партиявий фаолиятда тутган ўрнига нисбатан уларга таянч нуқта ёхуд қуйи бўгин тарзида таъриф бериш одатга айланган.



O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг парламентдаги фракцияси қўшма мажлиси қарорига кўра сиёсий куч ҳудудий кенгашлари таркибидagi қуйи бўгинларда бошланган ҳисобот сайлов йўғилишларига старт берилди. Ҳозиргача 16 137 та БПТдан 703 тасида шундай тадбирлар бўлиб ўтди. Уларнинг 68 тасида янги раислар сайланди.

Хусусан, O'zLiDeP Навоий шаҳар кенгаши таркибидagi “Бараканон” МЧЖ қошидаги БПТда йўғилиш бў-

либ ўтди. Унда эришилган ютуқ ва камчиликлар хусусида қуйи бўгин раиси Ш. Каримова атрофлича ахборот берди. Ниҳоят ҳисобот қонқарли деб топилиб ва аввалги раис бир овоздан қайта сайланди. Тадбир сўнггида қорхонага янги ишга қабул қилинган 13 нафар ходим ўз ташаббуслари билан партия сафига қабул қилинди.

Урганч туманидаги “Тилло домор” оилавий қорхонасидаги БПТда ўтган йўғилиш ҳам таҳлилий,

O'zLiDeP Марғилон шаҳар “Rizo sanoat tex” масъулияти чекланган жамиятида фаолият олиб бораётган бошланғич партия ташкилотининг ҳам ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, 2025 йил учун иш режаси тасдиқлаб олинди, раис сайланди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ МУВАФФАҚИЯТИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йўғилишида 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарликни кучайтириш, оммавий спортни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Йўғилишда спорт соҳаси шунчаки ўйин ва мусобақалар эмас, миллат генофонди, мамлакатнинг қудрати ва обрў-эътиборини бутун дунёга тараннум этадиган энг таъсирчан восита, энг устувор вазифа экани алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари урғу берганидек: “Ўз олдида буюк мақсадлар қўйган халқ фақат соғлом ва бақувват бўлган тақдирдагина кўзлаган марраларига эриша олади. Эл-юртнинг соғлом бўлиши, улкан ишларга қодир бўлишида эса, ҳеч шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёсдир”.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт ривожига ҳам катта эътибор қаратилляпти. Спортга ажратилаётган маблағ ошди, мураббийларнинг маоши кўтарилди. Спорт объектларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юксак суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, навқирон авлодни мустаҳкам иродали, жисмонан ва маънан баркамол этиб вояга етказишда спортни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Спортчиларимизнинг Париж олимпиадасида эришган ютуқлари бу соҳадаги ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Ушбу ғалабалар ёшлар ва ота-оналарнинг спортга бўлган муносабатини кескин ўзгартирди. Эндиги асосий мақсадимиз – Лос-Анжелес – 2028 Олимпия ўйинларида қучли ўнтакликка кириш. Бунга эришиш учун мутасадди раҳбарлардан тортиб, туман ҳокимларигача қаттиқ ишлашлари қайд этилди.

Президентимиз спорт федерацияларининг ҳар бирига вазирлар ва республика раҳбарлари сайланган бўлса-да, олимпиадада фақат 5 та спорт тури – бокс, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика ва эркин кураш бўйича медаль қўлга киритилганини қайд этиб ўтди.

Очиқ тан олиш керакки, айрим федерация раҳбарлари жойларга борганда спортчи ва тренерларнинг муаммосини ҳал этмаган, хорижий ёки халқаро федерациялар билан ҳамкорлик қилган ҳолда спортчи ва мураббийларни ўқув машғулотларига юбормаган. Спортнинг бадминтон, камондан ўқ отиш, енгил атлетика турлари бўйича жуда кам лицензия олингани тўғри танқид қилинди. Шунингдек, ядро, диск, найза улоқтириш, сакраш, ўқ отиш спорт турларида бирорта лицензия олинмагани ёки 49 та сув спорти дастуридан бор-йўғи 4 таси бўйича лицензия қўлга киритилгани янада ачинарлидир. Ўқ отиш спортини ри-



Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

вожлантириш учун муудофаа тизими ва “Ватанпарвар” ташкилотидеда барча шароит яратилган бўлсада, бирорта спортчимизнинг Олимпиадага бормаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Президентимиз ҳокимлар спорт федерациялари ҳудудий бўлимлари раҳбарлари билан ҳамкорликни кучайтириб, спортчи ва тренерлар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини зудлик билан бартараф этиш кераклигини уқтирди. Ўтган йилги олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида Қашқадарё вилоятининг бирорта спортчиси медаль олмаганини нима билан оқлаш мумкин?


Таъкидланганидек, йилда икки марта ҳудудларда олимпия спорт турлари бўйича “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилади. Туман ва вилоят совриндорларини ҳокимлар рағбатлантириб боради. Вилоят босқичи ғолиблари ҳар йили 10-20 декабрь кунлари Олимпия шаҳарчасида ўтказиладиган Президент олимпиадасида иштирок этади. Мамлакатда “Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати бошланади.

Олимпия қўмитасининг ҳудудий бўлимларига вилоят ҳокимлари раҳбарлик қилади. Спортчиларни олимпиадага тайёрлаш учун 300 миллиард сўм ажратилади. Жорий йил-

да камиди ўн нафардан спортчи ва мураббий нуфузли хорижий академияларда ўқитилади. 310 та спорт мактаби миллий терма жамоаларнинг селекция базасига айлантирилади. Янги методика ва ёндошувлар жорий қилиниб, спорт мактаблари дуал таълимнинг илмий-амалий базасига айлантирилади. 56 та спорт мактаби ётоқхона ва зарур спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланиб, ҳудудлардан танлаб олинган сара ёшлар бу мактабларда индивидуал режа асосида мақсадли тайёрланади. Мазкур мактабларда илғор хорижий тажриба ва чуқур илмга асосланган методика яратилади.

Йўғилишда Янги Ўзбекистонни жисмоний ва маънавий баркамол авлод билан барпо этишимизни инобатга олган ҳолда спорт соҳасини рақамлаштириш мутасаддилар, спорт федерациялари раҳбарлари ва ҳокимлар фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиши белгилаб қўйилди.

Соғлом халқ, соғлом жамиятнинг таянчи, тинчлик элчиси ва ҳар бир давлатнинг миллий ғурури бўлган спортга ёндашуви кескин ўзгариши, ёшларни олимпия спорт турларида тайёрлаш, иқтидорли мураббий ва спортчиларни рағбатлантириш бўйича мутлақо янги тизим яратиш, интилишларини муносиб тақдирлаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.



ЎЗБЕКИСТОН – КУВАЙТ:

“XXI ASR” ШАРҲИ

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР МУҲОКАМАСИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Қатор оммавий ахборот воситалари вакилларида ташқари сиёсий таҳлилчилар ҳам Ўзбекистон Президенти ва Кувайт Амирининг музокаралари, икки давлат ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган ташриф тафсилотларини диққат билан кузатгани тасодиқий воқелик эмас.

“Ал-Баян”даги самимий суҳбат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Кувайт давлати Амири Шайх Мишҳал ас-Сабоҳ 17 февраль куни Ал-Кувайт шаҳридаги “Ал-Баян” саройида тор доирада учрашув ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида музокара қилдилар.

Президентимиз Кувайтда муваффақиятли амалга оширилаётган, мақсад ва вазибалари Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг узоқ муддатли устувор йўналишларига ҳамоханг бўлган “Нигох 2035” давлат дастурини алоҳида қайд этди. Фаол сиёсий мулоқотлар ва идораларо алмашинувлар, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. “Яшил” энергетика, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, инфра-тузилма, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, туризм соҳалари амалий ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди. Қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида Инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгаши каби механизмларни йўлга қўйиш, шунингдек, Ал-Кувайт шаҳрида савдо уйини очиб бўйича келишувга эришилди.

Ҳам Ўзбекистонда, ҳам Кувайтда маданият ва туризм ҳафталикларини ўтказиш, икки мамлакат вакилларининг санъат, мусика, кино, таълим ва спорт соҳаларидаги маданий-гуманитар тадбирларда фаол иштирок этишига кўмаклашиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Учрашувда БМТ, ШХТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммитига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича қўшма чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Музокаралар якунида ик-



ки давлат раҳбарлари кенг қамровли шериклики ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Ўзбекистон Президенти Кувайт Амирини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Қароргоҳдаги қабуллар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайтга ташрифи доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда ушбу мамлакат Бош вазири вазифасини бажарувчи, ички ишлар вазири Шайх Фаҳд ас-Сабоҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Кувайт томонидан молия ва инвестициялар вазири Нура Сулаймон ал-Фассам, савдо ва саноат вазири Халифа Абдулла ал-Аскар ҳамда Инвестиция агентлиги директори Шайх Сауд ас-Сабоҳ ҳам иштирок этди.

Мулоқот давомида олий даражадаги музокараларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” саммитида иштирок этиш учун Кувайт Амирининг Ўзбекистонга бўлажак ташрифига биргаликда тайёргарлик қўриш муҳимлиги қайд этилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Қўшма инвестиция платформаси ва Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт, гидро-энергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш,

фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳимдир. “Йўл харитаси”га киритилган кооперация дастурлари ва лойиҳаларини илгари суриш мақсадида фаол мулоқотларни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбарининг Кувайт ташқи ишлар вазири Абдулла ал-Яҳё билан учрашувда ташқи сиёсий идоралар ўртасидаги мунтазам маслаҳатлашувлар ва ташриф доирасида Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан янги ҳамкорлик дастури имзолангани юқори баҳоланди. Озиқ-овқат хавфсизлиги, саноат кооперацияси, инфратузилма, туризм ва бошқа йўналишларда лойиҳаларни илгари суриш ҳамда мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Етти компания – етти раҳбар – етти мулоқот

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Кувайтдаги нуфузли компаниялар етакчилари билан учрашувлар ўтказди. Жумладан, “Fouad Alghanim & Sons” компанияси раҳбари Фади Хаддад, “Agility Logistics” компанияси раиси Хенади ал-Солих, “Action Group Holdings” компанияси раҳбари Шайх Муборак ас-Сабоҳ, “Kamco Invest” компанияси раҳбари Абдуллоҳ ал-Шарих, “Al Imtiaz Investment Group” компанияси бошқаруви аъзоси ва ижрочи директори Фузи Хо-

лид бин Эсса, “Kuwait Investment Company” компанияси бош ижрочи директори Фавоз ал-Аҳмад, “Gulf Care General Trading” компанияси раҳбари доктор Ияд ас-Солиҳни қабул қилди.

Ривожланиш босқичининг турли йилларида, жумладан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида ташкил этилган компаниялар қатор йўналишларда муваффақият қозongan. Дейлик, “Fouad Alghanim & Sons” холдинги автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, нефть-газ, савдо, кема қурилиши, авиация, телекоммуникация, туризм ва кўчмас мулк соҳаларида фаолият юритаётган бўлса, “Agility Logistics” компанияси 70 дан ортиқ мамлакатда авиация хизматлари, саноат омборлари, логистика парклари, хизматларни рақамлаштириш каби йўналишларда иш олиб бормоқда.

“Kamco Invest” молиявий компанияси активларни бошқариш, инвестицион банкинг ва брокерлик соҳасида хизматлар кўрсатиб, БАА, Саудия Арабистони, Иордания ва Буюк Британияда ваколатхоналарини очган бўлса, “Al Imtiaz Investment Group” соғлиқни сақлаш, саноат ва молия соҳаларига сарможа киритишга ихтисослашган. Учрашув пайтида бу компаниянинг озиқ-овқат етиштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, кўчмас мулк объектларини қуриш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Асримиз бошида ташкил этилган “Gulf Care General Trading” компанияси эса Кўрфаз минтақасида тиббий ускуналарнинг энг йирик етказиб бевуричларидан бири бўлиб, Кувайт-

даги хусусий тиббиёт муассасаларининг кенг тармоғи эгасидир. Мамлакатимиз етакчиси касалликларни барвақт аниқлаш соҳасидаги шериклик ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Компаниянинг мамлакатимиз ҳудудларида тиббий хизмат кўрсатиш ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Шавкат Мирзиёев ташриф кун тартиби қанчалик тиғиз бўлмасин, энг йирик етти компания раҳбари билан етти мулоқот ўтказди. Боиси, сиёсий ахдлашувлар баробарида иқтисодиёт соҳасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, Кувайт ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонда бизнес қилишини ҳар томонлама кўриб чиқиш муҳим масалалардан биридир.

Ўзига хос музей билан танишув ва...

Шавкат Мирзиёев Ал-Кувайт шаҳридаги “Ас-Салом” сарой-музейини бориб кўрди. Ушбу сарой 1960-1964 йилларда ўзига хос араб меъморчилиги услубида бунёд этилган ва 1990 йилгача Кувайтга ташриф буюрган хорижий раҳбарлар учун расмий қароргоҳ бўлиб хизмат қилган. 2019 йилда саройда музей очилган бўлиб, унда 32 минг квадрат метр майдонда Кувайтнинг кўп асрлик тарихи ва маданиятини акс эттирувчи ноёб экспонатлар намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари музей экспозициясининг меъморий концепцияси ва замонавий инфратузилмасини юқори баҳолади. Ўзбекистон билан Кувайт маданий алмашинувларини, хусусан, музей иши ва тарихий меросини асраш соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш, қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш ва ўзаро кўргазмалар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Шавкат Мирзиёев Кувайт Давлати валиҳиди Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Валиахдга самимий қабул ва алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди. Олий даражадаги тарихий музокаралар, ҳукумат аъзолари ва етакчи компаниялар билан сермахсул учрашувлар кўп қиррали Ўзбекистон-Кувайт муносабатларини кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиши таъкидланди.

Бундай мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш, инвестицияларни жалб қилиш учун платформани тез фурсатда ишга тушириш, агросаноат мажмуи, транспорт ва логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, фармацевтика, инфратузилма ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, қабул қилинган барча қарор ва ахдлашувлар ижроси устидан биргаликда назорат ўрнатиш масаласи келишиб олинди.

Шу билан Шавкат Мирзиёевнинг Кувайтга илк расмий ташрифи якунланди. Унда ҳамкорлигининг турли йўналишлари, жумладан, иқтисодий соҳада 4,9 миллиард долларлик салмоқли келишувлар тўплами имзоланди.

Ал-Кувайт халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Валиахд Шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

Расмий хабарлар асосида тайёрланди.

5 МАҚСАД – 500 ВАЗИФА

O‘zLiDeP ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг сайловолди дастуридаги халқимиз фаровонлиги учун эълон қилган 5 мақсад ва 500 вазифа сирасида малакали тиббиётни таъминлашни ваъда қилган эди.

Жумладан, етакчи куч соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир, деган ғояни илгари сурак экан, бунга эришиш учун, аввало, аҳоли ўртасида касалликларни кескин камайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол жорий этиш бўйича барча имкониятларни ишга солиш жоизлигини таъкидлайди.

Бунинг учун келгуси беш йилда бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажминини камида 2 карра ошириш, яъни 6 миллиард долларга етказишни муҳим мақсадларни сифатида белгилайди. Асосий эътиборни касалликлар профилактикасига қаратишни, айниқса, хотин-қизлар ўртасида он-

кологик касалликларни камайтириш учун 40 ёшдан ошган аёллар учун тегишли даврийликда тиббий кўрикдан ўтиш жорий қилинишини, кафолатланган бепул тиббий ёрдам, унинг аниқ ҳажмининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни таклиф этади.

“Онкологик беморлар даволалини, соғайиб кетиши учун зарур шароитлар яратилади, уларнинг одатий ҳаётга қайтишига кўмаклашилади. Эҳтиёжманд оилаларнинг онкологик касаллиги бор фарзандларига ўзақ ҳужайраларини трансплантация қилиш харажатлари тўлиқ давлат ҳисобидан қопланади”, дейилади партия дастурида.

Партия томонидан республикамиз бўйлаб йўлга қўйилган “O‘zLiDeP онкологик касалликларга қарши” акцияси ва унинг доирасида айти кунларда ўтказилаётган бепул тиббий кўриклар ҳам етакчи кучнинг ўз ваъдалари ижроси билан амалда ҳаракат қилаётганидан далолат.

ЖИЗЗАХ



Акция доирасидаги яна бир бепул тиббий кўрик Жиззах шаҳридаги “Ziyo Nur Med Shifo” хусусий клиникасида ташкил этилди.

– Айти пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган мавжуд 180 та хусусий клиника билан амалий ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани мазкур акцияни ўтказишда жуда кўл келмоқда, – дейди O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Аёллар қаноти гуруҳи раҳбари Саида Умаралиева. – Таниқли шифокор Нурилло Ортиқов раҳбарлик қилаётган хусусий клиника жамоаси партия ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди.

Таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан буён аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиб келаётган мазкур клиникада 55 нафар малакали шифокор ва ҳамшира,



25 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилади. Барча шароитлар яратилган.

Чўқурлаштирилган бепул тиббий кўрик ҳудуддаги Сайилжойи, Иттифок, Бобур ва Заргарлик маҳалласида истиқомат қилувчи 45 нафарга яқин кам таъминланган, эҳтиёжманд хотин-қизларни қамраб олди. Ши-

ринсўз шифокорлар қабулида бўлган аёллар ўзлари учун керакли тавсиялар олишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, “XXI asr” муҳбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Аёллар қаноти томонидан Бўзатов тумани Эркиндарё овулидаги 28-сонли оилавий поликлиникада “Саломатлик сари” мавзусидаги учрашув ҳам айти мақсадда ташкил этилди.

Унда партия Бўзатов туман кенгаши депутатлари юртимизда хотин-қизларга эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди. Сўнг ҳудуддаги “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи кам таъминланган, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож хотин-қизлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Халқ ноиллари, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати, фуқароларга бепул дори-дармонларнинг ўз вақтида етказилиши, даволалини ва тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтказилиши ҳолатларини ўрганишди.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси матбуот хизмати



ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Навбатдаги тарғибот тадбири O‘zLiDeP Аёллар қаноти, Чилонзор туман кенгаши ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда “Доктор-Д” хусусий клиникаси бош шифокорининг ва O‘zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раисининг ўринбосари Дилобар Миррахимова талаба қизларга саратон касаллиги, уни олдини олиш, тиббий маданият ҳақида сўзлади.

– Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзал, – деди мутахассис шифокор. – Бу избратли маслаҳатларни кўп бора эшитган бўлсак-да, лекин уларга амал қилмаслигимиз оғир оқибатларга олиб келяпти. Вақти-вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриш ҳаммамиз учун фойдалидир. Зеро, соғлом жамият соғлом одамлар, соғлом оналар яшайдиган жамиятдир. Бундай жамиятга ҳар бирингиз саломатлигингизни асраш билан ҳисса қўшинг!

Улуғбек ЭШОНХЎЖАЕВ, O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудир

ЭНЕРГИЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Бугун инсоният ҳаёти ва тараққиётнинг барча жабҳаларини электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Хўш, шундай экан, бугун Ўзбекистоннинг электр энергия сиёсатида ахвол қандай? Табиий ресурслар йилдан-йилга ўсиб бораётган халқ эҳтиёжларини қоплаш учун етарлими?

Ахир ортида қолган ўн-йигирма йиллик назар ташлайдиган бўлсак, электр энергиясида, нафақат вилоятларда, балки пойтахтимизда ҳам тез-тез узилишлар кузатилгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун маълум даражада электр энергияси таъминоти яшиланди. Бироқ шунинг баробарида талаб ҳам ўсиб бормоқда. Хусусан, уй-жой қурилишларининг ортиши, маиший техника воситалари ҳамда электромобилларни қувватлаш ҳудудларининг кўпайиши, турли даражадаги тадбиркорлик ва хизматлар салмоғининг ортиши бу катта эҳтиёгга бўлган талабни янада кучайтирмасдан қолмайди.

Шу каби омиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, салмоқли натижаларга ҳам эришилди.

Шу билан бирга соҳани янада ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар, халқаро битим, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини умумий электр энергия ҳажмининг 25 фоизидан кўпроққа етказиш истиқболлари белгиланган. Ҳозирда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Боиси, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ер ости бойликлари ва захираларини тежаш баробарида атмосферага чиқарилаётган зарарли ис газларининг миқдорини камайтириш имконини беради.

Қолаверса, бутун дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратиلىмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда республикамизнинг sanoat тармоқларига “яшил иқтисодиёт” тизимини жорий қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 1,6 гигаваттли 9 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга тегишли бинолар ва аҳоли хонадонларида умумий қуввати 457 мегаваттли қуёш панеллари ўрнатилган. Бу ишларга банклар томонидан қарийб 2 триллион сўм ресурс ажратилган. Бунинг натижасида қўшимча 5 миллиард киловатт-соат экологик тоза электр ишлаб чиқариш ва 1,5 миллиард метр куб газ тежаш имконияти яратилган. Ҳатти йил якунилари бўйича “яшил энергия” ўтганин 13 миллиард киловатт-соатга, унинг Ўзбекистондаги жами улушини эса 15 фоизга



етказиш, келгуси уч йилда 8 гигаваттли 28 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилиши режалаштирилган. Умуман, янги қувватлар ҳисобига бу йил камида 85 миллиард киловаттсоат, шундан қуёш ва шамол станцияларида 6 миллиард киловаттсоат электр ишлаб чиқарилиши белгиланган. Агар мустақиллигимизнинг илк даврларидаги умумий электр энергия таъминоти ҳажми (гидроэлектрстанция, иссиқлик электрстанция) бор-йўғи 49 миллиард киловаттсоатни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 74 миллиард киловаттсоатни ташкил этган ҳолда 66 фоиз ўсишга эришганимизни кўриш мумкин.

Яқин-яқингача қайта тикланадиган энергия манбаларидан фақат етакчи мамлакатларда фойдаланиш мумкин деган сохта қараш мавжуд эди. Ёки аксинча, муқобил энергетика иқтисодий жиҳатдан самарасиз, ривожлантириш эса фақат экологик ва эпидемиологик муаммоларни келтириб чиқаради, деган нуқтаи назар ҳам йўқ эмас эди. Шукрки, мазкур стереотиплар халқ орасида анча камайди. Эътиборлиси, ҳатто қайта тикланадиган энергия манбалари орқали ишлаб чиқарилиб, ўз эҳтиёжидан ортиқ қувватни давлатга сотаётган тадбиркорлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Бугун электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг ўзи камлик қилади. Ундан самарали фойдаланиш ва тежамкорлик долзарб масалага айланиб бормоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрига қараганда, аynи пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган давлатлардаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Ушбу тафовутни бартараф этиш учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш зарур. Биргина уйимизда ишлатиладиган оддий лампочкалардан тортиб, то электр энергияси билан ишлайдиган барча маиший жиҳозларгача энергия тежамкорлик самарадорлиги яхши деб айта олмаيمиз. Шунингдек, жамоат жойлари, корхона ва ташкилотлардаги, ҳатто кўп қаватли уйларга кириш йўлакларига туну кун ёниб турадиган чиروқларнинг сон-саногини йўқ.

Ривожланган мамлакатларда сенсорли, яъни ҳаракат натижасида ёнадиган лампалардан унумли фойдаланилмоқда. Фикримизча, юртимизнинг раvнақи учун кичик бир хонадондан тортиб, то йирик корхоналаргача энергия тежовчи технологияларга ўтиш, светодиод лампаларидан деярли ҳамма жойларда фойдаланиш чораларини кўриш зарур. Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, шунингдек, электр энергия таъминотини ҳам яхшилаш ва самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Аввало, республиканинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида узлуксиз электр таъминотини яратиш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларини ошириш орқали энергетика хавфсизлигини таъминлаш керак.

Асосийси, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш билан параллел равишда энергия сарфини камайтириш, шу жумладан, истеъмолчилар томонидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш бўйича иқтисодий механизмларни жорий этиш вақти эди.

Яна бир жиҳати, мунтазам равишда ортиб бораётган талабни қондириш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва тақсимлаш чораларини кўриш зарур.

Ва ниҳоят, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш борасида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар кўламини кенгайтириш мақсадга муvофиқдир.

Хулоса шуки, босқичма-босқич ана шундай чоралар кўрилса, мамлакатимизда фаолият юритаётган мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини тўла қувват билан ишлашига замин яратилади, қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади. Натижада аҳоли турмуш даражаси яхшиланади, маҳсулот экспорти ва охир оқибат ЯИМнинг ўсишига сезиларли таъсир қилади.

Низомиддин СИДДИҚОВ,
Алфраганус университети ўқитувчиси

Газетамизнинг ўтган сониди “Диққат: жамоатчилик муҳокамасига таклиф” руқни остида Абдулла Чимирзаевнинг “Чиқинди қабул қилувчи банкоматлар керак...ми?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Лойиҳа муаллифи ўртага ташлаган долзарб мавзу ўқувчиларимизда катта қизиқиш уйғотгани таҳририятимизга келаятган муносабатларда кўринади.



БУГУНГИ ЯНГИЛИК... ЭРТАГА ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНИШИГА ИШОНАМАН

“Хоразм газ пайвандчилар” МЧЖ Янгибозор филиали раҳбари Дилмурод МИСКИНОВнинг мулоҳазалари нафақат ушбу янгилик, аynи пайтда “Тоza ҳудуд” тизимидаги айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида ҳам боради.

...Аҳоли хонадонларидан маиший чиқиндиларни йиғиштириб олиш, шу орқали экологик муҳит барқарорлигини сақлаш тизими энг чекка маҳаллаларгача етиб боргани сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасидир. Яқин-яқинларгача бу тизим фақат шаҳар ва туманлар марказларидагина мавжуд эди.

Аввало, бу янгиликка одамларнинг кўникиши осон кечмаганини қайд қилиш керак. Оддий ҳолат: “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхонасининг туманларда ташкил қилинган филиаллари фаолиятида оқсаш кузатилди (айрим ҳудудларда бу ҳолат ҳамон мавжуд). Яъни, фуқаролар ва тизим масъуллари орасида “Қандай турдаги чиқиндилар олиб кетилади?” деган тортишув анча давом этди. Ҳар бир хонадондан кунига қанча миқдор чиқинди қабул қилиниши – белгиланган меъёр борасида ҳам тушуновчиликлар юзага келди. Энг ачинарлиси, тўловдан қарздорлик тизим фаолиятига салбий таъсир қилди. “Тоza ҳудуд” тизимидаги кўпгина филиаллар кўрсатган хизматлари учун олдиндан шартнома тузиш, тўловларни ундиришда муаммолар пайдо бўлди. Баъзи ҳолатларда ҳисоб-китобни ҳал қилиш суд маҳкамаларигача бориб етди...

Масалан, бизнинг филиалимиз 2023 йил 1 январдан давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритиб келмоқда. Яъни, биз эндиликда хусусий ташкилот мақомидамыз. Туманимизда 94 мингдан кўпроқ аҳоли истикомат қилади. Улардан тўқсон минг нафарига хизмат кўрсатяпмиз. Аслида эса 66 минг киши яшайдиган хонадонлар билан хизмат кўрсатиш бўйича шартномамиз бор.

30 та маҳаллага 10 та техника қатнайди. 27 нафар ходимимиз эл хизматида. Ўтган йили 1,3 миллиард рўмга лизинг асосида иккита замонавий техника харид қилдик. Яқин ойларда яна бешта техника сотиб оламиз. 2024 йили аҳоли талабларидан келиб чиқиб, кўп қаватли тураржойлар яқинига учта чиқиндиҳона қурдик. Бир йил ичида азалдан мавжуд қарзимиз – 700 миллион сўм ҳисоб-брақамимизга келиб тушди.

Афсус билан қайд қилиш керакки, айрим фуқаролар жон бошига ҳар ойда тўланадиган 4 592 сўм тўловга келганида қийналишади. Аслида бу миқдордаги пул сарф-харажатлар билан таққослаганда шунчаки раvзий кўринишга эга. Оиласида беш киши яшайдиган хонадон бир ойда 25 минг сўмча тўлаши керак. Шунга ўзича “қийналаётган”, аммо қўлидаги телефонига бундан ўн ҳисса кўп тўлаётганлар қанча.

Яна чиқиндидан қарзи бўлган хонадонлар электр энергияси тизимидан узилиши ҳақидаги қарорга айрим фуқаролар турлича

талқин беришяпти. Гўёки бир кунда хонадони электр тармоғидан узиладигандек. Шу масала бўйича туман электр таъминоти корхонаси билан келишувга эришилди. Унга кўра сўнгги уч ойда чиқинди учун тўловни амалга оширмаган хонадонларгина электр тармоғидан узилди. Уч ой ичида ўша арзимаган қарзини узишга, ишончим комилки, 99 фоиз хонадонларнинг имкони етади.

...Атиги беш-олти йил аввал янгилик сифатида қабул қилинган тизим бугун ҳаёти-мизнинг бир қисмига айланди. Фуқаролар унинг фойдали томонларини тушуниб етдилар. “Тоza ҳудуд” тизимидаги корхоналарнинг хусусийлаштирилиши соҳада кескин ўзгаришларни бошлаб бермоқда. Бунчи ҳали-ҳамон давлат ихтиёрида қолаётган айрим туманлардаги филиаллар билан ўзаро таққослаш орқали билиб олиш мумкин.

Ҳозирда олдимизда турган бошқа бир муаммо бор. Ўтган йили туманимиздаги чиқинди полигонини ёпилди. Энди ортиқча эллик чакирим йўл босиб қўшни Гулран туманига қатнашга мажбуримиз. Мазкур полигон ҳар бир машина келтирган 7 куб чиқинди учун 117,5 минг сўм пул олади. Хўш, машинада шунча чиқинди бўлмаса-чи? Бу масъулларни қизиқтирмайди. Машиналаримиз ўша миқдорни тўплаш учун икки-уч кунлаб маҳаллаларни айланиб юролмайди-ку! Полигон масъуллари билан тарозини ўрнатиш ва чиқинди миқдорига қараб ҳақ тўлаш бўйича музокаралар олиб борапмиз. Бу амалга ошса, биз учун иқтисодий тарафдан фойдали бўлади.

...Газетанинг чиқинди банкоматлари мавзусини кўтаргани эътиборга лойиқ. Аҳолидан иккиламчи қайта ишлашга яроқли чиқиндиларни пул эвазига қабул қилиб олиш тизими дунёнинг ривожланган давлатларида аллақачон йўлга қўйилган. Бу янгиликнинг афзал томонлари кўп. Ахир рўзгордан чиқадиган чиқинди-лардан пул тўлаш эвазига қутулиш қадқанда-у, шу чиқиндиларни сотиш қадқанда? Бундан ҳар икки томон манфаатдор бўлади.

Чиқинди банкоматларини аҳоли гавжум яшайдиган жойларга ўрнатиш ва уларни қайта ишлаш орқали даромад топиш тадбиркорлар учун катта имконият. Мисол учун биз тажриба тариқасида шундай банкоматларни туман марказига ўрнатишни режалаштиряпмиз. Ишонаманки, яқин келажақда бу одатий бир ҳолга айланиб қолади. Иқтисодий ислохотлар жадал давом этаётган юртимизда мазкур янгилик тез томир ёйишига шу соҳа вакили сифатида ишонаман.

“XXI asr” мухбири
Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

Икки буюк сиймони хотирлаб

Тошкент давлат техника университетидида улуг мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб маърифий тадбир ўтказилди.

Университетнинг Ўзбекистон тарихи кафедраси ҳамда Тошкент туманида жойлашган 1-сонли политехникум билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда муассасанинг профессор-ўқитувчилари, техникум раҳба-

рияти, педагог ходимлар, ўқувчи ва адабиёт ихлосмандлари иштирок этди. Университет катта ўқитувчиси Алишер Ҳасанов ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида сўз юритиб, улуг бобомизнинг ин-

сонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарларини ўрганиш ёшларда ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашни таъкидлади.

Шундан сўнг тарих фанлари доктори, профессор Раҳбар Холиқова сўз олиб, Бобурнинг болалиги ва ўсмирлик йиллари ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди вакиллари Бобур ва бобурийлар

асарлари, таржималари ҳамда дунё олимларининг тадқиқотлари Андижонга келтирилаётгани, култур санага бағишланган тантаналар барча таълим даргоҳларида ўтказилаётганини фахр билан тилга олишди.

Тадбир давомида мавзу доирасида виқторина ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



ЖАРАЁН

ОЙНА

...Халқимизнинг болажонлиги, болапарварлиги тарихнинг энг қийин, оғир даврлари синовларидан ҳам синмай ўтган. 90 ёшли отахоннинг (масалан-да) 70 яшар ўғлини авайлаб қойгани ҳақидаги ҳаётий воқеалар латифаларга айланиб кетган.

Бундан йигирма йиллар муқаддам вилоят туманларидан бирида қадрдонимиз ўғил уйлантирди. Даврада ўтирган кўни-қўшниларининг гапидан тушундимки, куёв тўрт йилдан буён хорижда қурилишда ишларкан, тўйдан ўн кунча олдин келибди, икки ҳафтадан кейин яна чет элга қайтиб кетаркан.

– Қандай бўларкин, – дедим иложи борица ичимдаги қарама-қарши фикрларни силлиқлашга уриниб. – Ёшгина келинни ташлаб... ахир келин бу хонадонга куёв сабабли келади-ку!

Гапим оғзимда қолди. Ёнимдаги жувон шартта кесди: – Нима бўпти? Қишлоқда, мана, қанча келинлар қайнона, қайнотасининг хизматини қилиб ўтиришибди, йигитлар ишлагани кетган. Қишда икки-уч ойга келишади...

Ўтган йили кузда Фарғонада бир яқиним ўғлини уйлادی. Тўй арафасида йўқлаб бордим. Бўлажак куёв укалари билан ҳовлининг ўртасини текислаб, базм ўтказиладиган майдончани семон қилишгаётган экан. Назаримда, куёв оёғини қийналиб босаётгандек туюлди, онасидан сўрадим: – Ўғлимиз тўйга тайёргарлик қўраман деб, бироз чарчабди шекилли, қадамини зўрга босаяпти?

– Э-э, бели оғрияпти. Ишхонасидаги бригадаси билан тўрт кунда бир иморатнинг деворини тиклашди, тезроқ пулини олиш учун туну кун ишлашди. Тўйнинг камчиликлари тугамас экан, яна кечалари қаергадир ишга бориб, келиб юрди. Уйдаям тингани йўқ.

– Тўй олдида озгина дам олиб, соғлигини тиклаб олса бўларди...

– Иложи йўқ-да! – деб жавоб қайтарди суҳбатдошим, “Шуниям тушунмайсанми?”, деган оҳангда.

Баҳорда ўша куёвнинг Россияга ишга кетганини эшитдим, келин ҳомиладор экан. Оиланинг иккинчи ўғли мактабда ўқувчилик пайтиданоқ дурадгордан ҳунар ўрганарди, ёғочдан чиройли буюмлар, уй жиҳозлари ясашга қўли келиб қолганди, қувноқ ва жуда интилувчан йигит эди. “Ўзим ишлаб пул топиб, институтда ўқийман”, дерди. Сал фурсат ўтиб у ҳам акасининг олдига ишлагани кетганини эшитдим.

– Ўқимокчи эди-ку, – дедим онасига.

– Биздақаларнинг боласи ўқишга кириши осонми?

– Кейинги йилларда мундоқ ён-атрофни кузатяпсизларми? – дедим. – Олий ўқув даргоҳлари кўпайди, имтиҳонлардаги ноҳақликлар йўқолиб бораётгани учун жуда кўп ёшлар талаба бўлишяпти-ку!

Шунда яқинимнинг боши эгилди, кўзларига ёш тўлди, дилини очди: “Энди гапирмасам бўлмайди. Дадамиз (эрини айтаяпти) эски бўлсаям, “Москвич”ида қиракашлик қилиб уч-тўрт сўм топиб юрарди, эркак кишига ўшамям бир тиргак экан-да, шу машина узил-кесил ишдан чиқди. Кейин бу киши чойхонада кун-кунлаб ўтирадиган бўлиб қолди. Ўша ерда бир нарсанинг устида бахслашиб, катта пулни ютқазиб қўйганмиш. Билмадим, бахслашганим, қимор ўйнаганим... анча пул. Уйимизга “Қарзингни тўла!” деб келадиганлар кўпайиб кетди, жанжал-тўполонлар... Катта ўғлим юборган пуллар билан энди тўй қарзларидан қутуламиз, деб турганимизда, бу гап чиқди. Қудалар, қўшниларики олдида жуда ёмон бўлди. Шундан кейин дурадгор болам ҳам акасининг ёнига ишлагани кетди. Яқинда мактабни битирса, кенжамиз ҳам ўша ёққа бориб акаларига қўшилиб ишламоқчи. Маҳалла-қўйнинг олдида бошимизни кўтариб юриш



учун бир-иккита соғин сигир сотиб олгани ҳам пул йиғиб борамиз, дейишяпти”.

Учинчиси – кенжа ўғил полковникбат бола ҳарбий бўлмоқчи эканини айтишганди. Нима дейишимни билмай қолдим. Аммо оиланинг шаънини сақлаш, отасининг номини оқлашга бел боғлаган ака-укаларнинг ориятига ҳавасим келди. Ҳавасим келди-ю... хонадоннинг ювошгина, мўмингина, болаларини елкасида кўтариб юриб катта қилган оила бошлигини тушунмадим...

Суҳбатлашиб қолсанг, айрим ота-оналар эри ёки фарзанди ишни давом эттириб юрганидан кўнгли хотиржамдек. Аслида, айни жисми, ақлу шуури камолотга етиш даврида бўлган йигитларимизнинг ночор шароитлар, ўта совуқларда кунига 10-12 соатлаб оғир ишларни бажариши уларнинг келажагини кемтик қилиб қўймайдими?

Чет элда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ишининг сифатсизлиги, алдам-қалдамлиги билан боғлиқ норозилик, бирор маълумот эшитмадим, ўқимадим. Россиянинг жуда кўп қурилиш компанияларида юзлаб, минглаб ўзбек қурувчи, муҳандис, иш юритувчи, ишчилар ўн йиллардан бери ишлайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда кейинги икки йилда фойдаланишга топширилган янги уй-жойларда 5,5 мингта қурилиш талабларининг бузилиши аниқланган. Ҳатто янги уйнинг бир томони ўз-ўзидан қулаб тушганидан хабардормиз. Бу ҳам ўз мутахассисларимиз, тажрибали қурувчиларимизнинг қадрига етмаганимиз, улар ўзга юрт-

ларда малакаю тажрибасини арзонга сотиб, ўзимизнинг муҳим ишларимиз ўртамиёна кадрларга, мардикорларга қолиб кетгани оқибати эмасми?!

Халқимизнинг “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақоли аждодларимиз ҳаётига сингиб кетгани, унинг ҳикмати фаол амал қилгани учун ҳам минг йиллардан буён яшаб келяпти. Боболаримиз, момоларимиз кўзи тушган, таниган ва танимаган ёшлар борки, уларнинг юриш-туришини, гап-сўзларини, ота-онасини, нима билан машғуллигини, қўлидан қандай иш келишини суриштиришган. Таълим-тарбиясидаги, ишларидаги чиройли томонларни рағбатлантириб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишган ва аксинча бўлган жиҳатларини тўғрилашга, зарур бўлса ёрдам беришга ўзлари бош қўшганлар. Демокчиманки, оилалардан тортиб жамият аъзолари ўртасида бировнинг, қўшнинг, нотанишнинг боласи деган тушунча, кайфият бўлмаган. Фикримни Ғафур Ғуломнинг “Ўғригина болам” ҳикоясининг мазмун-моҳияти далиллайди. Катта авлоддан шунга ўхшаган воқеаларни кўп эшитганмиз. Афсуски, халқни шарафлайдиган, куч-қувватини оширадиган, бошқалар олдида ҳурмату эътиборини юксалтирадиган қадрият – оқибатлилик юққариб борапти. Айрим давлатларда бойлар маҳалласи билан камбағаллар маҳалласи алоҳида-алоҳида бўлса, ҳеч муболагасиз айтманки, биздаги ҳамма маҳаллаларда ўрта ҳоллар, бадавлатлар ҳам кам эмас. Лекин ҳали икки қаватли данғиллама ҳовлисига иккиталаб (уч-тўртталаб) машинада кириб чиқиб яшаётганлардан би-

рортаси ёнгинасидаги қўшни ёки қариндоши – уйда бемори, кекса ота ва онаси, ногирони, бир нечта ёш боласини ташлаб хорижга ишлаш учун кетмоқчи бўлганларга ёки кетганлардан бирортасига: “Тўхта, бу ночор жигарингни ташлаб ҳозир қаёққа борасан? Биргалашиб турмушингни яхшилаймиз”, дея ёрдамга қўл чўзгани ҳақида эшитмадим (балки, бошқалар билишар...).

Ва яна: мусофирликда ишлаётган жигарларимиз ҳаёти билан боғлиқ ачиқ ҳақиқатлар, ҳодисотлар, далиллар тилга олинганда ким ишсизлиқни, ким ота-оналарни, ким “сувни кўрмай этик ечган” каби билиму малакасини ҳисоблаб кўрмай хорижга чиқиб кетганларнинг ўзларини айблади. Аммо Бош қомусимизда белгилаб қўйилган барча фуқароларнинг ҳамма жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги тамойили, инсофу инсонийликнинг ёзилмаган улуг қонунлари нуқтаи назаридан таҳлил этилса, бу ижтимоий муаммо бугунги кунда халқимизнинг имтиёзли тоифалари орасидаги нафси ўпқонлик, худбинлик, ўтар дунёга ружу қўйиш, таниш-билишчилик каби юкўмли-ю сурункалига айланиб бораётган касалликларнинг ҳам қасофатлари эмасми? Тўғри, ишсизлик муаммоси дунёнинг энг ривожланган малакатларида ҳам бор. Аммо иш берувчилар нима учун турли миллат вакилларига турлича муносабат кўрсатмоқда? Бунинг сабаби ўша мигрантларни ўз она юртида кимлар ва қандай сиёсат қўллаб-қувватлаб турганига ҳам боғлиқ эмасми?

Мавзудан заррача чалганим йўқ.

“Султон суягини хорламас” – бу мақол орийтли, бир-бирини жону дилидан қувватлайдиган, ўзига муносиб қўрган ҳарқи аҳли нарсаларни атрофидиганларга ҳам чин дилдан илинадиган, уйининг томини қўшнилари томига тенглаб қурадиган, эҳтиёждан ортиғини эҳтиёжмандларга Аллоҳ розилиги учун улашиб яшайдиган халқнинг шиори. Қалб кўзларини очайлик. Зеро, “Ким заррача яхшилик қилган бўлса, уни ҳам кўради, ким заррача ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўради”.



Мухтарома УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

ИМКОНЯТ МАЙДОНИ



ТАРМОҚСИМОН ПОЛИЭТИЛЕН ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Ўзбекистонда тармоқсимон полиэтилен ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширишга старт берилди. Саноатимиз учун янгилик бўлган бу маҳсулот “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ, Хитойнинг “Yunnan Xinchengpeng Polymer Technology” компанияси ҳамда “Ўзэлектросаноат” уюшмасига аъзо “Techno Cable Group” корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “NAsAF XCP TECHNO” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллион АҚШ доллари бўлиб, йилига 35 минг тонна маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

– Ишлаб чиқариш жараёни икки босқичда амалга оширилади, – дейди “Шўртан газ кимё мажмуаси” бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шўхрат Асланов. – Жорий йилнинг март-апрель ойларида тармоқсимон полиэтилен маҳсулотлари тайёрланиб, синовдан ўтказилади. Иккинчи босқич, яъни август-сентябрь ойларида галогенсиз композитлар ишлаб чиқариш ускуналарига буюртма берилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, йилга 30 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблаг тежаб қолинади. Ички бозорнинг бу маҳсулотга бўлган 25-30 минг тонналик эҳтиёжи маҳаллий ишлаб чиқариш эвазига қопланади. Янги корхонанинг ишга туширилиш муносабати билан 65 нафар маҳаллий ёшларнинг бандлиги таъминланади.

Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, тармоқсимон полиэтилен (РЕ-Х) оддий полиэтиленга нисбатан анча мустаҳкам, эластик ва юқори ҳароратга чидамли камёб маҳсулот ҳисобланади. Уни иссиқ ва совуқ сув тизимларида ишлатиладиган қувурлар, полости иситиш тизимлари ва кабелларни электр эзоляциялашда самарали қўллаш мумкин. Лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида импорт ҳажми сезиларли даражада камайиб, ички саноат тармоғини мустаҳкамланади ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

Дунё бўйича энергетик захиралар тобора камайётган ҳозирги даврда энергиянинг муқобил турларидан фойдаланиш, шу орқали истеъмолчилар эҳтиёжларини қоплаш кун муаммосига айланмоқда.

Юртимизда айни шу соҳада олиб борилаётган ислохотлар куёш энергиясидан фойдаланиш, яъни, куёш панеллари ўрнатиш, ушбу янгиликни амалиётга айлантирган фуқаро ва тадбиркорларга имтиёзлар белгилашни ортидан тобора кенг тус олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлака-

зарар етказмайдиган энергия манбаларидан фойдаланиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

“UzAuto Motors” акциядорлик жамияти Хоразм вилоят филиали ҳудудда энг йирик саноат корхонаси ҳисобланади. Буни жамоада ишлаётган ишчи-хизматчилар сони, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори,

неллари ўрнатилган аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик масканлари, хусусий муассасаларда бу янгиликнинг самарали эканлиги ўз исботини топиб улгурди. Айниқса, электр энергия учун тўловлар бозор шароитига босқичма-босқич ўтиши шароитида янгиликнинг фойдаси тобора аён бўлиб бормоқда.

“UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиали йирик ҳажмдаги куёш панеллари ўрнатиш орқали яна бир бора ўзининг етакчи мақомини намоён этди. Янги тизим заводнинг энергия

энергиясига бўлган эҳтиёжнинг бир қисми қайта тикланувчи манба ҳисобидан қопланади. Бу эса корхонанинг ривожланиш тамойилларига содиқлиқни таъминлаш, узоқ муддатда энергия сарфини оптималлаштириш ва харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Экологик тоза технологияларни татбиқ этиш орқали корхонада инновацион ва замонавий ишлаб чиқариш тизими-га тўлиқ ўтилади.

Йилига ўртача юз эллик минг донага яқин енгил машина ишлаб чиқараётган завод цехларига ўрнатилган замоний дастгоҳ, ускуналарнинг деярли ҳаммаси электр энергияси билан ишлаётгани, филиалда йилига 28 миллион киловатт соат электр энергияси истеъмол қилинаётганини инобатга оладиган бўлсак, яшил энергия манбаларига аста-секинлик билан ўтиш айни дамда корхона жойлашган Питнак шаҳри аҳолиси учун ҳам фойдали. Негаки, эндиликда куёш панеллари ишлаб чиқарган электр энергиясининг чегирилган қисми аҳолига йўналтирилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалида ўрнатилган куёш панеллари учун кетган харажат тўрт йилда ўзини қоплаши тахмин қилинапти. Демак, қолган муддатда корхона “текин электр энергияси” эгасига айланади.

Тўғри, ҳозир ўрнатилган куёш панеллари корхонанинг электр энергияси истеъмолининг фақат бир қисmini қоплайди. Манфатдорлик жараёни тизимли равишда ошириб боришга имконият яратилади.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири



тимизда амалдаги йилнинг “Атроф-муҳитни сақлаш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб аталishi негизда ҳам айнан тоза энергия манбаларига ўтиш жараёни мужасам. Негаки, атроф-муҳитга

солиқ ва бошқа тушумлар яққол кўрсатади. Корхона вилоят саноатининг том маънода етакчиси.

Воҳода яшил энергияга ўтиш жараёни тобора оммавий тус олмоқда. Куёш па-

самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни камайтириш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Куёш панеллари ёрдамида электр

ТАҚДИМОТ

“ТИЛДА, ФИКРДА,
ИШДА БИРЛИК”
БЎЛСИН!

Жадид – янги дегани. Ўтган аср бошларида қадим Туркистонда жамиятни ислоҳ қилишга бел боғлаган маърифатпарварлар ушбу истилоҳ билан аталган. Улар халқ ҳаётини ҳар бир жабҳада янгилашга киришиб, асосий эътиборни таълимга қаратганлар. Ўз сўзларини одамлар орасида ёйиш мақсадида газета-журналлар очиб, миллатга хитоб айлаганлар. Афсуски, орзулар дарахти хали мўл-мўл мева бермай қирқилди. Жадид боболарнинг армонлари эса мамлакат мустақилликка эришгач, бирин-бирин ушала бошлади.

Президентимиз 2023 йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жадид боболаримизнинг миллий тараққиётни ҳар томонлама жадаллаштириш, зиёли ва ижодкорларни бирлаштиришга дахлдор ташаббуслари қаторида “Jadid” газетасини таъсис этиш ғоясини қўллаб-қувватлади ҳамда ушбу нашрни янги йилнинг биринчи кунинда чоп этиш тақдирини илгари сурди. Қисқа фурсат давомидида – бор-йўғи саккиз кун ичида саккиз саҳифалик газетанинг нишона сони дунё юзини кўрди.

“Jadid” газетаси ўтган бир йил давомида устоз журналистлар, тарихчи олимлар, таниқли ёзувчи-шорлар, академиклар қаторида эндигина қўлига қалам олиб, хабар ёзишни бошлаган талаба ёшлар учун

путати Иқбол Мирзо олиб борди.

Президентимиз “Jadid” газетаси ҳақида сўз юритиб, “...улуғ аждодларимизнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси билан муштарак бўлган ғоя ва дастурларини атрофлича ёритиш, бу қутлуғ меросни эл-юртимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг қалби ва онгига етказишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўзига хос эркин минбар бўлади, деб ишонаман”, деган эди. Ушбу ишонч қай даражада оқланганини “Тилда, фикрда, ишда бирлик” китобини varaқлаб кўриб, аглаш мумкин.

Ўтган бир йил давомида газетада жадидшунос олимлар, зиёлилар, тадқиқотчилар, жамоатчилик ва давлат арбоблари каби фаол муаллифларнинг таҳлилий-танқидий, ижтимоий-сиёсий, бадиий-маърифий, қолаверса, атроф-муҳит, экология билан боғлиқ долзарб мате-

қисқа муддатда чуқур таҳлилий, мулоҳазали мақолалари билан эътибор қозонганини таъкидлади.

Эслийлик, жадидлар мамлакатни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторида кўрмоқни, халқимизни эса маърифатли бўлмоғини чин дилдан истаганлар ва шу заҳматли курашда жонларини ҳам аямаганлар. Бир аср илгари Европа ва Туркистон орасида тараққиёт борасида қандай кескин фарқ кузатилган бўлса, мустақиллашчилик, турғунлик ва тўрачилик таъсирида ушбу фарқ юз йилдан сўнг ҳам сезиларли равишда камаймади. Шу маънода жадид боболарнинг ғоялари бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Жамиятимиз ҳар қанча замонавийлашган бўлмасин, юксак технологиялар даврида тараққиёт сари қадамларни янада илдамлатиш, янада фаоллик кўрсатиш талаб этилмоқда. Бу йўлда учрайдиган тўғаноқларни орадан кўтариш, сафарни оғирлаштирадиган ортиқча юклардан эса халос бўлиш кераклиги таъкидланди.

Тақдиротда жадидлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар, тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Ўзбекистон давлат драма театри репертуаридан жой олган “Туркистон болалари” спер-



ҳам очик минбарга айланди. Газетада чоп қилинган сара мақолалар асосида “Тилда, фикрда, ишда бирлик” китоби нашр этилди.

Ушбу китобнинг тақдироти кунни кеча “Sevimli” телеканали тадбирлар залида бўлиб ўтди. Тадбирда дипломатик корпус вакиллари, атоқли адиб ва публицистлар, санъат намояндalари, “Jadid” газетасининг фаол муаллифлари, жадидшунос олимлар, зиёлилар, талабалар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди. Тадбирни газета бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири, парламент де-

риаллари эълон қилинди. Бу китоб, таъкидлаш жоизки, ана шу муҳим жараённинг самараси, бошқача айтганда, 2024 йил сарҳисоби бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон фан арбоби, академик Абдулла Аъзам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Шарифа Салимова, Абдулла Авлонийнинг наби-раси, кимё фанлари номзоди Жамшид Авлоний, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири, сенатор Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, “Jadid” газетаси ўтган

тақдирот парча ҳавола этилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросида ашулалар янгради.

Тадбир якунида “Jadid” газетаси томонидан ўтказилган “Муштарийлар эътирофи” танловий ғолиблари тақдирланди. Энг қувончлиси, улар орасида “XXI asr” газетаси муҳбири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рўзимбой Ҳасан ҳам бор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўз муҳбиримиз

ЭЪЛОН

Ўзбекистон мусулмонлар идораси Кўчалдош ўрта махсус ислом билим юрти томонидан 2023 йил 6 июль санасида Мухаммадҷонов Мухаммадали Мухаммадраҳим ўғли номига берилган D 002831-сон (рўйхатга олиш рақами 870)ли диплом йўқолгани туфайли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиддин САЙИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 245
Адади: 5879
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов

Ғафур БАРАТОВ,
журналист



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА

Ўзбек киносида
муҳри бор унинг

“Ўзбекфильм” – ўзбек кино санъатининг қутлуғ гўшаларидан. Бирор адиб ёки шоир, драматург ёки rassom йўқки, лоақал бирор марта бу масканга келмаган бўлсин. Кино санъатининг ўнлаб ёрқин асарлари шу ерда туғилган, суратга олинган. Бу файзли даргоҳда не-не инсонлар меҳнат қилмаган, бугун уларнинг издошлари фаолият юритяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли актёр ва режиссёр Исмаат Эргашев билан ҳам 1985 йили “Ўзбекфильм” ҳовлисида танишганимиз.

“Ўзбекистон илмий-оммабop ва ҳужжат-ли фильмлар студияси”да ишлаб юрган кезларим, ҳамкасбим, оператор Элдор Мамедов режиссёрликда ҳам ўзини синаб кўрмоқчилигини, қисқа метражли фильм учун актёр излаётганини айтиб қолди. Бирга “Ўзбекфильм”га ўтдик. Омадни қарангки, Исмаат Эргашев чинор ёнидаги оромкурсида забардаст актёрлардан бири Фарҳод Аминов билан суҳбатлашиб ўтиришган экан. Мақсади-мизни эшитгач, дарров рози бўлди. Бу ҳолат мени бироз ажаблантирди ҳам. Чунки актёр юлдузлик погонасига кўтарилиб бўлган, унча-мунча тақлифларга рад қиладиган даражада машҳур эди. Кейин билсам, Исмаат ака барчага бир хил муомалада бўладиган камтарин инсон экан. Бирга ишладик. “Куз гуллари” фильми муваффақиятли чиқди.

Бир савоб туфайли бошланган танишчилик аста-секин дўсту қадрдонликка айланди. Шунга ҳам ярим аср бўлибди. Умр ўткинчи, хотира боқийдир. Тез-тез учрашиб турамиз, ўша давларни эслаймиз.

Шундай даргоҳлар борки, у ерда ўтмиш ва бугун бирлашади. Бундай масканга қадам қўйганингиз заҳоти, гўё олис мезийдан садолар келгандек бўлади. Ана шундай жойлардан бири бўлган Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида жойлашган музейга тез-тез бориб тураман, ҳар сафар кўнгилни соҳир туйғулар қамраб олади. Тарихий фотосуратлар, ўлмас фильмлардан лавҳаларни кўрганда улуг санъаткорлар ёдга тушади. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Малик Қаюмов, Шукур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Шухрат Аббосов, Йўлдош Аъзамов, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Раҳим Пирмуҳаммедов, Олим Хўжаев, Латиф Файзиев, Ҳамза Умаров ва яна юзлаб актёрларни эслайман. Улар ўзбек кино-театр ва дубляж санъатининг устунлари эди. Шундай санъат дарғаларидан бири Исмаат Эргашевдир.

Исмаат ака асли Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида туғилган. Мактабни олтин медал билан таомлагач, Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга киради. Олий ўқув юрти-нинг сўнгги босқичида кинорежиссёр Латиф Файзиевнинг назарига тушади. Ўша пайтлари актёрлар асосан санъат институтидан танлаб олинарди. Латиф Файзиев ҳеч иккиланмай

“Наташахоним” фильмидаги Собир образини ёшгина актёр Исмаатга топширади.

Санъатнинг, хусусан, кинонинг ўзига хос сеҳри, жозибаси, оҳанрабои бор. Исмаат Эргашев институтни муваффақиятли якунлагач, “Ўзбекфильм” қошидаги “Актёр” студиясида иш бошлайди. Уни ўз даврининг омадли актёрларидан бири десак янглишмаймиз. Бойси, ҳар йили бир неча кино асарда роль ўйнаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. “То-жикфильм” студиясида суратга олинган “Хи-ёнат” фильмида Карим, “Генерал Раҳимов”да Элдор, “Умид”да Умид, Қизилқумда Салим, “Оловли соҳил”да Баҳодир, “Меҳробдан чаён”да Анвар...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Таниқли актёрни шуҳрат погонаси чўққисига кўтарган бетақдор ролларидан бири, шубҳасиз, “Меҳробдан чаён” фильмидаги Анвар образидир. Ўтган асрнинг 70-йилларида таниқли кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов буюк адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларини экранлаштирди. Икки фильм ҳам халқимиз қалбидан муносиб жой олди. Бугунга қадар давраларда ҳўрсиниб эсланадиган кинокартиналардан бири бўлмиш “Меҳробдан чаён”даги бош ролларни маромга етказиб ижро этган Исмаат Эргашев ва Тамара Шокирова кино санъатининг ёрқин юлдузлари даражасига кўтарилди. Гарчи “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” сеvgи қиссасига ўхшаеса-да, унинг замирида Ватан қайғуси, илоҳий муҳаббат қиссаси эътиди.

Ижодий учрашувлар, гурунгларда кино ҳақида сўз кетса, Исмаат ака кўпроқ Наби Раҳимов ва Латиф Файзиевлар номини фахрлиниб тилга олади: “Актёрлик маҳоратини устозим Наби Раҳимовдан, режиссёрлик сир-асрорларини эса Латиф Файзиевдан ўрганганман”, дейди.

Исмаат Эргашев ижодини кузатганда хиндистонлик кино ижодкорларга айрича бир меҳрни ҳис этиш мумкин. Хали актёрлик давридаёқ Латиф Файзиевга шогирд тушди, фильмларида иккинчи режиссёрлик вазифасини бажарди, ҳамкорликда ишлаш тажрибасини ўрганди, катта-кичик роллар ижро этди. 1983 йили Латиф Файзиев ва Умеш Меҳранинг “Севги афсонаси” фильмида хинд Жабу-р образини гавдалантирди. Устози бошлаб берган анъанани кейинчалик унинг ўзи ҳам

давом эттирди. 2001 йили хиндлар билан ижодий ҳамкорликда “О, муҳаббат” фильмининг яратди.

Исмаат аканинг ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар орасида Иброҳим Расулов ва актёр-режиссёр Фарҳод Худойбердиев ва яна бошқа ўнлаб маҳоратли ижодкорлар бор. Айниқса Иброҳим Расулов режиссёрлигида суратга олган “Бегона баҳор” фильмида бош роллардан бири – ота образини маромига етказиб ижро этди.

Исмаат Эргашев нуруний ёшда бўлса-да, ҳамон ижодий фаолиятдан тўхтагани йўқ. Ҳиндистон 2024 йилни хинд киноси асосчиларидан бири, машҳур актёр ва режиссёр Раҳж Капур йили деб эълон қилган эди. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам Раҳж Капурнинг юз йиллиги муносабати билан анжуманлар, учрашувлар ўтказилди. Таниқли хинд кино режиссёри Умеш Меҳра бошчилигида Капурлар оиласига мансуб вакиллар, санъаткорлар юртимизга қадам ранжида қилишди. Меҳмонларни кутиб олиш, учрашувларни ташкил этишда Исмаат Эргашев ҳам фаол иштирок этди.

Ҳамкасблари уни ҳам ҳазил, ҳам чин маънода “муҳаббат куйчиси” деб аташади. Бу самимий эътироф бежиз эмас. Чунки унинг ўнлаб фильмлари муҳаббат, дўстлик ва садоқат мавзусида. Бойсунда ишланган “Севги” фильми сценарийси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Аъзам қаламига мансуб. Суратга олиш жараёнларида умумий саҳналарда асосан бойсунликлар қатнашган. “Буюртма сеvgи” фильми эса Озарбойжонда ҳамкорликда суратга олинган.

Атоқли драматург Шароф Бошбеков асари асосида ишланган “Темир хотин” фильмининг дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилди, соvrинларга сазовор бўлди. Жумладан, Кореяда бўлиб ўтган кинофестивалда мусиқали фильмлар номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаган эди.

Кинода Исмаат Эргашев бир-бирига ўхшамаган жуда кўп ролларни ижро этган. У яратган образлар бугунги кунда олтин фондда сақланаётган қатор фильмларга файз бағишлашига ишончимиз комил.